

## VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

Қашқадарё вилояти ташқи савдо айланмаси 2020 йилнинг январь-июнида 257,5 млн. АҚШ долларни, жумладан экспорт 107,2 млн. АҚШ долларни, импорт 150,3 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Ташқи савдо сальдоси - 43,1 млн. АҚШ долларни, шу жумладан МДХ давлатлари билан 21,0 млн. АҚШ долларни ва бошқа давлатлар билан - 64,1 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

### Қашқадарё вилоятининг ташқи савдо айланмаси (2020 йил январь-июнь)


	<i>млн. АҚШ доллари</i>	<i>2019 йилнинг январь-июнига нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>жамига нисбатан улуши, % ҳисобида</i>
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>257,5</b>	<b>63,5</b>	<b>100,0</b>
МДХ давлатлари	71,7	69,7	27,8
бошқа давлатлар	185,8	61,4	72,2
<b>Экспорт</b>	<b>107,2</b>	<b>57,1</b>	<b>100,0</b>
МДХ давлатлари	46,3	81,8	43,2
бошқа давлатлар	60,9	46,4	56,8
<b>Импорт</b>	<b>150,3</b>	<b>69,0</b>	<b>100,0</b>
МДХ давлатлари	25,4	54,8	16,9
бошқа давлатлар	124,9	72,8	83,1
<b>Сальдо</b>	<b>-43,1</b>	<b>x</b>	<b>x</b>
МДХ давлатлари	21,0	x	x
бошқа давлатлар	-64,1	x	x

**МДХ ва бошқа давлатларнинг Қашқадарё вилоятини  
ташқи савдо айланмасидаги улуши  
(январь-июнь)**

**Ташқи савдо  
айланмаси**

**Экспорт**


**Импорт**



Қашқадарё вилоятининг 2020 йил январь-июнь ойларида ташқи савдо айланмасидаги улушининг 27,8 % и МДХ давлатларига тўғри келади қолган 72,2 % бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келди. Бу кўрсаткичлар 2019 йилда мос равишда 25,4 %и МДХ давлатларига тўғри келган бўлса, қолган 74,6 % бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келди. Қашқадарё вилоятининг МДХ давлатлари билан олиб борилган ташқи савдо айланмаси 2020 йилнинг январь-июнь ойларида 71,7 млн. АҚШ долларни ташкил қилган бўлса, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 69,7 % кузатилган. Шундан экспорт 57,1 % ни ташкил қилган бўлса, импорт 69,0 фоизга етди.

МДХ давлатлари орасида Қозоғистон, Россия, Тожикистон, Қирғизистон давлатлари ташқи савдо айланмасида асосий ҳамкорлар ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 24,3 % ни ташкил қилади, бошқа давлатлар орасида Хитой, Туркия, Эрон, Афғонистон, Индонезия, Покистон, Чехия ва Польша давлатлари ҳисобланади.

**Қашқадарё вилояти ташқи савдо айланмасида нисбатан  
катта улушга эга бўлган давлатлар, фоизда  
(2020 йил январь-июнь)**



Қашқадарё вилоятининг 2020 йил январь-июнь ҳолатига ташқи савдода энг асосий ҳамкор давлатлари Хитой (22,9 %), Қозоғистон (8,4 %), Туркия (9,6 %), Россия (11,3 %) ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 52,7 % ни ташкил қилади.

Дунёдаги мамлакатлар орасида экспортда ҳамкор давлатлар Туркия, Эрон, Хитой, Қозоғистон, Россия, Афғонистон ҳисобланиб, уларнинг жами экспортдаги улуши 82,2 % ни ташкил қилади, импортда эса ҳамкор давлатлар Хитой, Германия, Россия, Қозоғистон ва Корея давлатлари ҳисобланади, ҳамда уларнинг улуши 68,6 % ни ташкил қилади.

**Қашқадарё вилояти ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар**

(2020 йил январь-июнь)

минг АҚШ доллари

Давлат номи	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Ташқи савдо айланмаси	
				улуши, %	Ўзгариш сурати, %
Хитой	58946,5	8440,0	50506,5	22,9	43,7
Россия	29030,4	16376,6	12653,8	11,3	87,6
Туркия	24788,4	13428,4	11360,0	9,6	57,3
Қозоғистон	22869,0	18289,1	4580,0	8,9	63,2
Германия	18609,9	22,6	18587,3	7,2	2,8 м.
Эрон	13392,6	12838,1	554,5	5,2	36,5
Афғонистон	12703,9	12638,4	65,6	4,9	119,3
Ҳиндистон	10266,4	328,0	9938,4	4,0	4,8 м.
Япония	8515,7	340,7	8175,0	3,3	157,3
Қирғизистон	6478,6	5313,6	1165,1	2,5	188,6
Индонезия	5997,3	5997,3	-	2,3	84,4
АҚШ	5726,3	7,8	5718,6	2,2	161,1
Белоруссия	5329,5	150,5	5179,0	2,1	198,5
Тожикистон	4134,9	4070,9	64,1	1,6	34,0
Покистон	3547,6	3523,5	22,3	1,4	2,2 м.
Австралия	2978,9	-	2978,9	1,2	148,2 м.
Франция	3169,4	0,1	3169,3	1,2	92,4
Италия	2253,0	-	2253,0	0,9	107,2
Жанубий Корея	2015,4	22,4	1993,0	0,8	26,7
Литва	1922,9	96,6	1826,3	0,7	16,8
Украина	1748,0	1335,2	412,8	0,7	20,8
Швейцария	1456,8	-	1456,8	0,6	125,9

Давлат номи	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Ташқи савдо айланмаси	
				улуши, %	Ўзгариш сурати, %
Туркменистон	1435,9	106,6	1329,3	0,6	22,3
Польша	1126,6	220,2	906,4	0,4	88,3
Сингапур	979,7	974,9	4,8	0,4	2,6 м.
Бразилия	859,5	-	859,5	0,3	-
Молдова	703,5	703,5	-	0,3	152,8
Канада	631,3	2,5	628,8	0,2	88,1
Чехия Республикаси	539,2	433,9	105,3	0,2	46,2
Венгрия	501,5	-	501,5	0,2	177,2
Малайзия	433,0	433,0	-	0,2	100,8
Нидерландия	558,9	-	558,9	0,2	45,4
Филиппин	418,6	418,6	-	0,2	-
Швеция	549,7	4,1	545,6	0,2	39,0 м.
Буюк Британия	523,6	-	523,6	0,2	22,8 м.
Аргентина	347,6	-	347,6	0,1	80,5
Бельгия	237,7	-	237,7	0,1	18,9 м.
Латвия	322,2	24,5	297,7	0,1	16,6
Жанубий Африка	135,0	-	135,0	0,1	-
БАА	351,9	149,5	202,4	0,1	93,4


Қашқадарё вилоятининг экспорт таркибида товарлар ва хизматлар гуруҳлари бўйича ўсиш кузатилган. Озиқ овқат маҳсулотлари экспорти улуши 24,0 фоизни, кимё маҳсулотлари улуши 18,4 фоизга ўсган.

Импорт таркибининг умумий ҳажмидан 70,1 фоизини машина ва асбоб-ускуналар, 13,2 фоизини кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ташкил қилади.

## Экспорт ва импорт таркиби

<i>Экспорт ва импорт таркиби</i>	<i>Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида</i>		<i>2019 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2019 йил январь-июнь</i>	<i>2020 йил январь-июнь</i>	
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>57,1</b>
Пахта толаси	24,8	10,8	24,8
озиқ-овқат маҳсулотлари	22,8	24,0	60,2
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	15,9	18,4	66,3
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	-	0,2	67,0 м.
қора ва рангли металллар	9,6	10,2	60,4
машина ва ускуналар	0,1	-	36,5
хизматлар	1,8	2,1	67,5
бошқалар	25,0	34,3	77,9
<b>Импорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>69,0</b>
озиқ-овқат маҳсулотлари	4,7	3,2	47,2
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	13,7	13,2	66,4
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	2,0	3,2	110,5
қора ва рангли металллар	4,9	3,3	47,2
машина ва ускуналар	63,2	70,1	76,5
хизматлар	-	0,4	25,0 м.
бошқалар	11,5	6,6	39,7

### Хизматлар экспорти таркиби, %



Товар ва хизматлар экспорти 2020 йилнинг январь-июнь ойларида 257,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди, шундан: хизматлар экспорти 2,2 млн. АҚШ долларини ёки ташкил этди ва жами экспорт ҳажмининг 2,1 % ини ташкил қилди.

### Хизматлар импорти таркиби, %

